*Хотира уйғонса гўзалдир...*

# САҲНАМИЗНИНГ СЎНМАС ЮЛДУЗЛАРИ

Театр маданияти, саҳна санъати... Унинг ўқ илдизи қадим-қадимларга бориб тақалади. Ўзбек миллий театр маданиятининг ўзига хос «сомон йўли» мавжуд ва ранго-рангдир. Ҳозирги жараён театр таърифу тавсифи, саҳна санъати мазмуну мохияти доирасини қадр-қиммат мезони билан ҳам бир қадар кенгайтирди. Театр нафосати сўнмас сиймолар мавлуду маскани, мўътабар ошиёни ҳамдир, зеро бу ерда халқ хотирасида, эл қалбида сира ўчмас излар қолдирган, нафосат осмонида ёруғ юлдуз бўлиб онгларга нур таратган, кишиларни умуминсоний қадриятларни эъзозлашга, эзгу орзу-ниятларни амалга оширишга, маънавий баркамол авлодларни тарбиялаб етиштиришга даъват этган улкан иқтидор соҳиблари, буюк халқ санъаткорлари ижод қилиб, яшаб ўтганлар, бизга бой ва ардоқли маданий мерос қолдирганлар. Ушбу саҳифада биз эл севган ва ардоқлаган, истиқлолни орзулаган буюк санъаткорлар — саҳнамизнинг сўнмас юлдузлари — Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Мукаррамахоним Турғунбоева ва Сорахоним Эшонтўраевалар ҳақида ҳикоя қиламиз.



**Ўзбек театр ва кино санъати юлдузларидан бири — Лутфихоним ая Саримсоқовани бутун республикамизда танимайдиган, унинг юксак санъатини қадрламайдиган, эъзозламайдиган киши топилмаса керак.**

Ая деганимизда кўз олдимизга албатта юзларидан нур ва меҳр ёғилиб турган ҳақиқий ўзбек оналари тимсолидаги Лутфихон ая Саримсоқова гавдаланади. Ая ижросидаги театр ёки кинолар «ойнаи жаҳон» орқали намойиш қилингудек бўлса, каттаю кичик жон дили билан томоша қилиши аниқ.

Лутфихон ая 1896 йил Фарғона водийсида, оддий, турмуш қийинчиликларини яхшигина билган оилада таваллуд топган. У минглаб юртдошлари каби мустамлакачилик асоратларини эрта бошдан кечирди, ҳаётдан эрта кўз юмган ота-онадан сўнг ўта ночор аҳволда қолди, етимлик азиятини нав-ниҳоллик палласидан сеза бошлади... «Булоқбоши» номли қишлоқлик Ойимқиз исмли аёл уни тарбиясига олади. Аммо бу меҳрибон она ҳам ҳаётдан кўз юмгач Лутфининг ҳаётига азоб-уқубатлар янада кўпроқ ёғилади. Машаққатли ҳаётнинг ўзи қизчани турли ҳунарларни ўзлаштиришга ундайди. 12 ёшида қийиқча, рўмолча, кўйлакларни яхши тикадиган бўлади. 13 ёшида эса Лутфи-чевар тиккан «ироқи», «чоргул», «қўқон», «андижон», «чуст» дўппиларининг довруғи водийга тарқалади. Болаликдан рўшнолик нималигини билмаган Лутфи бу вақтларда ҳам чеварликдан кўз тинган чоғларида қўғирчоқ ўйинларини хумор қиларди. У гоҳ Лайли, Ширин, Зуҳра, ҳатто Алпомиш, Фарҳод, Қоработир, Ёсуман ҳам бўлиб кўрар, уларнинг ҳоли-тақдирига кириб кетиб гоҳ йиғлар, гоҳ қотиб-қотиб кулар эди.

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз... Кейинчалик Лутфихон ая саҳнада намойиш этилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш» спектаклларида етакчи ролларни ижро этиб, катта шуҳрат қозонади, театр тарихи, саҳна санъати солномасига ёрқин саҳифалар киритади. Кўҳлик, истараси иссиқ, бўй-басти келишган, қўл-оёғи чаққон, қўлида гулдек ҳунари бор бу қизчанинг уйига тез-тез совчилар кела бошлайди. Уни 13 ёшида турмушга берадилар. Кейинчалик ая бу йилларни шундай эслайди:

— У пайтларда ҳозиргидек норасида қизларни турмушга бермаслик ҳақида қонун йўқ эди. 13 ёшли, ҳали болалигига тўймаган қизалоқни эрга бериб юбораверсалар... Бу пайтларда дуторни ҳам яхшигина чертадиган бўлиб қолгандим, қизлар билан гурунглар қилардик, «Тановар»ларнинг ҳам жонини киритадиган бўла бошлагандик... Ҳаммасига эрксизлик занжири тушди, завқ ҳам аста-секин сўна бошлади. Агар Адолчахон билан учрашмаганимда иқтидор ғунчасига гармсел тегармиди...

Лутфихон Адолатхон, Мозидахон, Назирахон каби халқ санъаткорлари билан 15-16 ёшларида учрашди ва санъатга бўлган меҳри қайтадан жўш урди, энди уни на мустамлакачиликнинг камситув занжирлари, на санъаткорларга манфур муносабатда бўлган лоқайд эрнинг зуғуми, маън этиш нишонлари ушлаб туролмас эди. Машҳур Адолатхон сингари ҳофиза бегимдан хониш санъати сир-синоатларини ўзлаштира бошлади. «Ёввойи тановар»ни ҳам Лутфихоним ушбу ажойиб хонанда, созанда, раққоса, бастакордан ўрганиб, дутор бандига олди, сўнг уни хониш қилиб номи ўлкада тарала бошлади. Юртдошлари, санъат ихлосмандлари — «Булоқбоши»дан бир ёруғ юлдуз чиқди, нури узоқ-узоқларга таралади», дедилар.

1924 йили Қўқондаги «Тароқчилик» маҳалласидаги хотин-қизлар тўгарагида қатнашиш Лутфихоннинг профессионал санъатга кириб боришига кўприк ташлаб берди — бу ерда унинг иқтидори билан Миршоҳид Мироқилов, Қориёқубов, Ҳамза, Тамарахонимлар танишдилар ва у 1925 йилдан бошлаб Қўқон театрида хизмат қила бошлади.

1928 йил Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутади, ушбу йил Республикадагина эмас, бутун Ўрта Осиёда Андижон театри давлат мусиқали драма театри дея атала бошлади. Лутфихоним Саримсоқова Қориёқубов, Тамарахоним, Тўхтасин Жалилов, Музаффар Муҳамедов, Тожизода, Исҳоқ Иляев, Гавҳар Раҳимова, Соиб Хўжаев, Ваҳоб Азимов, Аббос Бакиров, Машраб Юнусов, Мурод Қўлдошев, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Шаҳодат Раҳимовалар сингари мазкур қалдирғоч театрнинг етакчи санъаткор — намояндаларидан бўлиб қолди. У мазкур театрда қўйилган Хуршид, Ғулом Зафарий, Ҳамза, Яшин, Собир Абдулла каби драматургларнинг деярли барча асарларидаги етакчи ролларни ижро этди. Шундай вақтлар ҳам бўлганки, Лутфихон ая ҳатто эркаклар ролини ҳам ўткир маҳорат билан ижро этган. 1931-33 йилларда Лутфихоним Саримсоқова Марғилон ва Фарғонадаги театрларда умр йўлдоши Тожизода (режиссёр, бадиий раҳбар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист) билан биргаликда ижод қилди, кўпгина ёшларга устозлик қилди ва бу ерларда ансамбллар ҳам тузишда қатнашиб, концертларда ўз фаолиятини авж олдирди. Унинг ижро мундарижасида халқнинг дурдона ашула, қўшиқлари бўлиб, улар «Тановар», «Йўл бўлсин», «Олмача-анор», «Фабриканинг йўлида» кабилар эди. 1934 йилдан бошлаб у Тошкентдаги республика мусиқали театрида етакчи актрисалардан бўлиб жўшқин фаолият олиб борди. Барча мусиқий спектаклларда ўткир маҳорат билан хотирада узоқ йиллар сақланиб қолувчи қуйма сиймолар яратди. «Ҳалима», «Маликаи Турандот», «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара», «Икки билакузук», «Лайли ва Мажнун» каби спектаклларда Лутфихоним аянинг ижро маҳоратига, ноёб иқтидорига холис ва юксак баҳолар берилган. У 1939 йилдан то умрининг охиригача Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида қизғин ижодий фаолият кўрсатиб келди. У ушбу театр саҳнасида «Холисхон», «Майсаранинг иши», «Олтин кўл», «Алпомиш», «Равшан ва Зулхумор», «Нурхон», «Икки билакузук» сингари кўплаб спектаклларда бадиий баркамол, томошабинлар хотирасида ўчмас сиймолар яратиб, бизга катта маънавий-маданий ва олтин мерос қолдириб кетди. У яратган сиймоларда айниқса, нуроний, инсоний фазилатларга бой, эл дарди, севинчлари билан яшайдиган мунис, меҳрибон она тимсоллари ёрқин ифодасини топган. Ая Ўзбек давлат филармониясида ҳам кўп хизматлар кўрсатиб, бу ерда республикада биринчи бўлиб «Дуторчи қизлар ансамбли»ни 30-йилларда ташкил қилган ҳам ушбу устоз санъаткордир. Шунингдек, Лутфихон Саримсоқова кино санъати равнақига ҳам ўзининг баракали умрини бахш этди, у қарийб ярим аср бу соҳада муваффақиятли хизмат қилиб, катта шуҳрат қозонди.

Лутфихон Саримсоқованинг халқ, санъат, маданиятимиз равнақи олдидаги хизматлари юксак эъзозланди, унга халқ артисти юксак фахрий унвони берилди ҳамда бошқа давлат нишонларига ҳам сазовор бўлди. Унинг номи мангулик касб этди, «саҳнамиз аяси» деган ном санъат мухлислари, буюк санъаткор издошлари қалбида ўчмас из қолдирди, унинг ҳақида видеофильм, китоблар яратилди, радиоэшиттиришлар уюштирилиб турибди. «Булоқбоши»дан чиққан ушбу санъатимиз юлдузи ҳам нафосат осмонидан мангу соқий жой эгаллаб қолди.

**Тамарахонимнинг бир ижодий кечаси ҳеч ёддан чиқмайди. Ўшанда таниқли халқ артисти И. Козловский саҳнага кўтарилиб, олтин бошоқлардан ясалган чамбарни ўзбек актрисаси бўйнига солиб: «Сизнинг қўшиқларингиз инсониятга нондек азиз» деганди ҳурмат билан.**

Шундан сўнг залда ўтирганлар ўринларидан туриб Тамарахонимни гулдурос қарсаклар, анвойи гулдасталар билан



олқишлашган эди. Бу ерда чет эллик меҳмонлар ҳам бор эди, улардан бири «Кармен» дея қичқирди. Созандалар ижросида куй янграб, қўлига костанетт-кайроқни олган Тамарахоним шўх-шан, ўта завқли янграган қўшиққа рақсга туша кетди. Бу ерда ўтирган ўнга яқин космонавтлар ҳам рақсга тушиб кетдилар. Ушбу кеча катта нафосат кечасига айланиб кетди, севимли санъаткоримиз кўплаб халқлар қўшиқ ва рақсларини ўткир маҳорат билан ижро этиб, қалбларга зариф ҳис-туйғулар, олам-олам завқ-шавқ улашган эди...

70-йилларда Тамарахоним, яна бир қатор саҳна ижодкорлари, театр намояндалари билан Марғилонга ташриф буюрганмиз. Меҳнаткашлар билан учрашувлар, концертлардан сўнг қизғин суҳбатлар ҳам бўларди. Шундай қизғин суҳбатларнинг бирида Тамарахоним шундай деган эди: «Санъатдаги ҳаётим дебочаси мана шу Марғилондан бошланган эди, саҳнага иштиёқим мана шу санъатсеварлар, аския-пайров, халқ қизиқчилиги, ижрочилигининг мўътабар масканида дастлаб ниш урганди... Мени илк бор ҳаваскорлик саҳнасига олиб чиққан киши — машҳур халқ санъаткори Юсуфжон қизиқ Шакаржонов бўлдилар. Бу 1919 йилнинг ёзида, Марғилондаги «Ўрда» тагида, сайил чоғида содир бўлганди. 13 ёшли раққосанинг ўша вақтлардаёқ саҳна майдонига отилиб чиқиши ва омма олдида очиқ чеҳра билан рақс тушиши — бу марғилонликлар ўртасида бунгача сира учрамаган ҳол эди. «Тамара исмли ёш раққоса қиз пайдо бўлибди...» деган шов-шув бутун шаҳарга тарқалди, сўнгроқ эса бутун Фарғона ўлкасига... Ҳаётда нималар бўлмас экан, агар ана шу 1919 йилнинг ёзи Юсуфжон қизиқдек устоз, санъат фидойиси бўлмаганида ким билсин, балки Тамара опангиз санъатда бунчалик парвоз этмасмиди... Афсус, Юсуфжон қизиқ ўтиб кетди, бундай зотлар орамиздан кетмаса эди...», дея бир хўрсиниб қўйди Тамарахоним.

Юсуфжон қизиқ Тамарахонимни ҳаваскорлик саҳнасига дастлаб олиб чиққан бўлса, Миршоҳид Мироқилов, Муҳиддин Қориёқубов, Ҳамзалар уни профессионал театр саҳнасига етакладилар. Тамарахоним Ҳамза Ҳакимзода театр труппасининг илк артистларидан бўлиб, Туркистон ўлкаси бўйлаб сафарларда бўлди, шаҳар ва қишлоқларда маданий-маърифий ишларни амалга оширишда кўмаклашди, қанчадан-қанча ёш иқтидорларни ўзига эргаштирди, саҳнага чорлади. Эҳ-ҳе, буларни санаб саноғига етиб бўлмасди. Устоз рақс ва қўшиқчилик борасида ўзига хос мактаб яратди — бу Тамарахоним мактабидир.

Тамарахонимнинг ўзбек мусиқий театрини, опера ва балет санъатини юзага келишида ва равнақ топишида ҳам хизматлари каттадир. У республикада биринчи бўлиб 1928 йилда мусиқали драма театри деб аталган ва биринчи пардасини Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин» мусиқий драмаси билан кўтарган Андижон давлат театри бешигини тебратилаётганда ҳам жиддий хизматлар қилди, унинг етакчиларидан ҳисобланарди. Қўқондаги театр равнақида, Ўзбекистон пойтахтида бунёд этилган «Колизей» залида спектаклларни намойиш этган мусиқали давлат театри равнақига ҳам ўта салмоқли ҳисса қўшди. Тамарахоним мусиқали драма ва комедия асарларида дастлабкилардан бўлиб роллар ижро этди — «Фарҳод ва Ширин»да Ширин, «Ҳалима»да Ҳалима, «Аршин мол-олон»да Гулчеҳра ва ҳоказо. Тамарахоним ер юзидаги кўпгина чет мамлакатларга сафар қилди. Кўплаб мамлакатларда ўзининг юксак санъатини, ўзбек маданияти, ижрочилик мактаби муваффақиятларини кенг намойиш қилди. У ҳар бир халқнинг қўшиқ, рақсларини мукаммал эгаллаган истеъдодли санъаткор эди. Унинг ижро мундарижаси ниҳоятда бой ва сержило бўлиб, унда ер юзидаги 86 халқ, миллатнинг қўшиқ-рақслари мавжуд эди. Бундай ижро мундарижаси бой ва хилма-хил санъаткор ҳақиқатан дунёда битта бўлса керак. Тамарахоним ўзига хос бир афсонавий шахс эди.

Тамарахоним 1941-45 йиллар уруш даврида жангчиларга маданий хизмат кўрсатиш борасида ҳам катта хизматлар қилди, бу тадбирларда унинг издошлари, ҳамкасблари, жумладан сингиллари Гавҳар Раҳимова, Лизахоним Петросовалар (Ўзбекистон халқ артистлари) ҳам камарбасталик қилдилар.

Халқимиз ўзининг буюк санъаткорини, ардоқли фарзандини, унинг улкан хизматларини юксак эъзозлади — унга Халқ артисти унвони берилди, Давлат мукофотларига сазовор бўлди, юбилей кечалари ўтказилди, ҳаёти ва ижоди ҳақида фильм, китоб, альбомлар яратилди. Хотираси муносиб абадийлаштирилди, мемориал уй-музейи ташкил этилди, унинг номи билим юртига қўйилди. У боқий санъати, эл ишига фидойилиги, маданий бунёдкорлик жабҳасидаги жасорати билан нафосат осмонида сўнмас юлдуз бўлиб қолди.

**Мукаррама Турғунбоева...**

**Ўзбек рақс санъатининг маликаси...**

**Мукаррамахонимга таъриф берганда дилингиздан шундай сўзлар кечади-ю кўз ўнгингизда «Тановар»га товусдек хиром айлаётган, устида беқасам камзул, бошига дурра ўраган Опа гавдаланади.**

Уни оламга «Тановар» танитди, у эса «Тановар»ни оламга машҳур қилди. Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри биносига у билан видолашиш учун келган одамлар билан ҳам «Тановар» рақси кийимида ётганча хайрлашди.

... Ҳар бир ишнинг муқаддимаси осонликча кечмайди. Бу ҳеч кимга сир эмас. «Баҳор» ансамблини тузгунга қадар Опа Навоий номидаги давлат академик Катта театрининг етакчи раққосаси бўлган. Ҳатто у куйлаган қўшиқлар пластинка ҳолатида қўшиқсеварлар қўлига етиб борган. Унинг номи Мукаррамахоним бўлиб жаранглашида устозлар — Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қори Ёқубов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Тамарахонимларнинг ҳиссалари катта бўлган.

«Баҳор» ансамблида 1957 йилдан буён меҳнат қилаётган ва айни кунда мусиқа раҳбари бўлиб ишлаётган Бахтиёр Алиев Опани шундай хотирлайди: «1957 йилнинг сентябрь ойида ҳукумат Фармони чиқгач, ансамблга созандаларни танлов асосида қабул қилиш бошланди. Ўша кезларда «Ўзбекистон» деган ансамблда чанг чалардим. Отахон Матёқубов, Қаҳрамон Дадаев, Равшан Акбарбеков, Бахтиёр Йўлдошев, Салоҳиддин Тўхтасинов ва мен комиссиядан ўтиб, ишни бошлаб юбордик. Опа кўпинча Бахтиёр Йўлдошев айтган қўшиқларга рақс тушганлар.

Ҳеч чарчаш нима билмасдилар. Айтилган жойга ҳурмат қилиб чақирибдими, албатта бориш керак, дегувчи эдилар».

60-йилларда уч, тўрт ойлаб гастроль сафарларида бўлардик. Вагонларда юрардик. Ана ўшандай қийин дамда ҳам ўз қўллари билан ош дамлаб берардилар. Фидойи эдилар».

Мукаррама опа ўзини бутунлигича санъатга бағишлади. У ўзидан шу қадар кўп шогирд қолдирдики, ҳеч ким уларчалик кўп шогирд қолдирмаган. У ўзидан кейин ҳам ўзбек рақс санъатини ривожлантириш учун кўп манба қолдирди. Ҳозир Хореография олийгоҳида ўша рақслар дарс сифатида ўтиляпти.

Мукаррама опа бошчилик қилган кезларда «Баҳор» ансамблида 50 та раққоса бор эди. Лекин саҳнада ҳар доим 40та қиз хиром айларди. Ансамбль репертуарида 300 дан зиёд рақс бўлиб, 15 та программага бўлинган эди. Ҳеч бир рақс икки маротаба такрорланмасди. Бугунги кунга келиб бу рақслар олтин меросга айланди.

Мустақиллик майдонининг шундоққина биқинида жойлаш-



ган Мукаррама Турғунбоева музейи остонасига қадам қўйишингиз билан ўзингизни бир чаманга кириб қолгандек ҳис этасиз. Ҳамма ёқда ранг-баранг гуллар; қизил, оқ, пушти... Деворда осиғлиқ расмлардан Опа сизга жилмайиб боқса, гуллар унга янаям кўрк бағишлаётгандек туюлаверади.

Музей залига қўйилган расмлар худди тарих китобларидек Опа босиб ўтган шонли, улуғвор йўлни сизга бирма-бир ҳикоя қилади.

«Баҳор» ансамблининг рақсларида шодмонлик, заррин қуёш, қип-қизил лола товланади. М.Турғунбоева бирор мамлакатга гастроль сафарга борганда, ансамблнинг етакчи раққосалари билан мактабларга, ишлаб чиқариш жамоаларига, миллий рақс академияларига йўл оларкан, албатта жуда ёш бўлган Маъмура Эргашева, Светлана Сеитоваларни ҳам унутмасди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева «Баҳор» ансамблининг бадиий раҳбари. У Опани шундай эслайди: «Мукаррама опанинг атрофида доим яхши одамлар бўлган, чунки уларнинг ўзлари жуда яхши инсон эдилар. Опа ҳеч қачон ўзим бўлай демасди, доим атрофдагиларни ўйларди. Зинаида Куриш исмли рассом аёл бор эди. Унинг ҳам ўзбек рақс санъатига анчагина меҳнатлари сингган. З.Куриш рақслар учун кўйлаклар суратини чизиб келардилар. Опа ҳар бир унсурга диққат билан эътибор қилиб тузатишлар қиларди. Бундан ташқари Опа бағрикенг инсон эди. Ансамбль репертуарларини бойитиш ниятида Галия Измайлова, Исохор Оқилов, Аминахон Дилбозий (Озарбайжон), Бешаналиева (Қирғизистон), Михаил Калинин (Украина), Қундуз Миркаримова, Тамарахоним, Гавҳар Раҳимоваларни янги-янги рақсларини саҳналаштириш учун чиқаравердилар. «Баҳор»дан чиққан қизлар турли олийгоҳлар, рақс дасталарида, вилоят театрларида балетмейстр бўлиб ишламоқдалар». Демак, Опа эккан ниҳоллар ҳануз ҳосил бераяпти.

«Менинг ҳаётим бу — менинг рақсларим, рақсларим эса менинг ҳаётимдир», деганди Мукаррама опа. Ҳа, унинг рақслари, сермазмун ҳаёти уни билган ва севган одамлар қалбида, шогирдлар ишида давом этмоқда.

**Бу санъаткорнинг ҳаёти аллақачон афсонага, ўзбек театрининг авлоддан авлодга ўтадиган ажойиб достонига айланган. Унинг исми инсон қалбидаги бахт деган тушунчанинг ички жаранги янглиғ эзгу ва ардоқлидир. Унинг мўъжаз ва истарали сиймосида чексиз олижаноб туйғулар мужассамки, Сора опа барчасини одамларга саховат ила улашиб яшади.**

Санъаткор тақдири — бу сўз замирида босиб ўтилган машаққатли ижодий йўл, бетиним изланишлар жараёнида яратилган бетакрор образлар, яъни ўйналган роллар ётишини ҳамма ҳам идрок этармикин? Санъаткор тақдири — бу сўз ўз-ўзини фидойиларча бахш этиш, адоқсиз заҳмат, тинимсиз меҳнатдир!

Сора опа театр остонасига илк қадам қўйганида 12 ёшда эди. «Мен одамлар билан лиқ тўлган кенг уйда нималар бўлаётганини дастлаб тушунмадим, — дея эслайди санъаткор суҳбатлардан бирида. — Бирдан чироқ ўчди, парда сурилди. Рўпарамда бошланган ажойиб томоша дафъатан қўрқитиб юборди ва мен бу ердан қочиб кетмоқчи бўлдим, бироқ бирга келган дугонам тутиб қолиб, тинчлантирди. Яхшиям тутиб келибди, зеро мен ўша кундан бошлаб театрга сеҳрли куч билан боғланиб қолдим ва мўъжизалар мўъжизаси аталмиш саҳнага бир умрлик меҳр қўйдим».

Сора опа биринчи ролини ўзи таълим олган мактаб-интернат драма тўгарагининг «Етим қиз» номли ҳаваскорлик спектаклида ўйнади. Ўша кун 1923 йилнинг 23 марти эди. Ушбу спектаклда ёш Сора бош роль — Етим қиз образини шу қадар берилиб ижро этдики, беихтиёр етимликда кечган ўз болалиги ёдга тушиб, ўзини тутолмай йиғлаб ҳам юборди, унга қўшилиб эса томошани кўришга келган аёллар йиғлашди.

Бугунги кунда Сора Эшонтўраева томонидан турли йилларда яратилган роллар эсга олинар экан, биринчи бўлиб Шекспир трагедияларидаги Офелия ва Дездемона, «Бой ила хизматчи»даги Жамила, Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий»сидаги Гули ёдга тушади. Сора опа санъаткорлик, хусусан, мана шу роллари туфайли ўзининг янгидан-янги қирраларини очди, унинг ижоддаги ўзига хослиги камол топди.

Офелия образи С. Эшонтўраева ижросида нозик ва нафис бўёқларда гавдаланади. У спектаклда Гамлетга бўлган ўтли муҳаббати ёғдуси билан пайдо бўлди.

С. Эшонтўраеванинг Дездемонаси ўзгача эди. У мағрур, ўзига ишонган, матонатли ва журъатли Дездемона образини ҳароратли ва майин туйғуларга бой, истарали қилиб яратди.

«Алишер Навоий» спектаклидаги Гули образи эса ҳаётга ошиқ ҳамда айни чоғда аянчли қисматдан воқиф сиймо сифатида гавдаланади. Санъаткор ҳажмига кўра унча катта бўлмаган ушбу роль орқали кучли ва оқила, улуғ шоирнинг муносиб ёри образини ярата олган. Томошабин кўзи ўнгида нафақат майин қалб соҳибаси, ижодкорнинг мураккаб ички дунёсини зукко илғовчи сиймо пайдо бўлиб, уни ўзига ром этади.

Сора опа ижро этган роллар рўйхатини кўздан кечирарканмиз, унинг ижодида асосан замондошлари образи муҳим ўрин тутганлигини кўрамиз.

Санъаткор Т. Хўжаев саҳналаштирган япон драматурги М. Каору пьесасидаги мураккаб образлардан бири Сидзу ролини қанчалар маҳорат билан ўйнаганлиги кўпларнинг ёдида.

Сора опа кўп режиссёрлар билан ишлади.

Жумладан, Сора опа учун турли даврларда М. Уйғур, Е. Бобожонов, С. Михоэлс, А. Гинзбург, Т. Хўжаев, кейинчалик Б. Йўлдошевлар ана шундай режиссёрлар бўлиб, ижодда камарбасталик қилдилар. Сора опа шу туфайли ҳам ўзбек санъати саҳнасида ўз услубини — лирик-романтик услубни яратди, ўз мавзуси — ҳур, бўйсунмас аёл қисмати мавзусини топди ва унинг яратган ҳар бир образи теран миллийлиги, жозибадорлиги билан томошабинларни мафтун қилди.

Биз Сора опа тимсолида ўзининг бутун ҳаётини санъатга бағишлаган ўзбек театрининг улуғ санъаткорларини кўрамиз. Сора опа чиндан ҳам саҳнада барқ уриб яшади, ҳамиша халқнинг олқишига сазовор бўлди, қизғин фаолияти давомида кўплаб образларнинг қўл етмас намуналарини яратди. Ҳа, у чинакам тақдир сийлаган аёл эди!



**Саҳифани санъатшунос Баҳриддин НАСРИДДИНОВ, Муҳаббат ТЎЛАХЎЖАЕВА ва журналист Маъпура НАБИЕВАлар тайёрлашди.**

